

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

6-7-сон
(194-195)
2006 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

32. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3038-сон Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 февралдаги ПФ–3718-сон Фармони

Учинчи бўлим

33. «Қурилишда муҳандислик кидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарори
34. «Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 февралдаги 15-сон қарори
35. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорига қўшимча ки-

- ритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 февралдаги 18-сон қарори
36. «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори
37. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори
38. «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 февралдаги 23-сон қарори
39. «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори

Тўртинчи бўлим

40. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2006 йил 7 февралдаги қарори

Бешинчи бўлим

41. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 26 январдаги 5, 2006-04-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1107-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
42. «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 25 январдаги 4-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1475-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
43. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1122-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
44. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб

чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 30 январдаги 8, 2006-01-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1446-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

45. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1047-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

46. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 26 январдаги 6, 2006-03-сон қарори. (*2006 йил 8 февралда давлат реестридан чиқарилди*)

47. «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 27 январдаги 20-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 февралда 1523-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

+

48. «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

-

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 4 февралдан 17 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

32 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3038-сон Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 майдаги «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–69-сон қарори қабул қилиниши муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3038-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки, 2002—2006 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, шунингдек ер участкаларини фуқароларнинг умрбод мерос бўлиб қоладиган эгалигига сотишдан тушадиган маблағлар (ер участкаларини сотиш тушумининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ўтказиладиган 3 фоиз миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси хузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий қайта қуриш жамғармасини шакллантириш учун 2 фоиз миқдордаги, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган 5,5 фоиз миқдордаги ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкаларини умрбод мерос бўлиб қоладиган эгалигига кимовши савдоси орқали сотишдан тушадиган маблағнинг 50 фоизи миқдорида Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан ташқари) 1991 йилгача қадар барпо этилган уй-жойларни реконструкция қилиш, уларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирдан чиқариш, турар-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун уй-жой мулкдорларининг ширкатларига берилади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 февраль,
ПФ–3718-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

33 Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри соҳасида ягона техника сиёсатини таъминлаш, тармоқ геофондини юритиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари объектларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш маълумотлари давлат базасини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузурида «Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамияти ва «Тошкенттадқиқот» Тошкент давлат муҳандислик-техник қидирувлар институтини бирлаштириш йўли билан, давлат унитар корхонаси шаклида Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

муҳандислик-техник қидирувлар, геоахборот ва давлат шаҳарсозлик кадастри соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини юритиш бўйича бош ташкилот функцияларини амалга ошириш;

тегишли ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шаҳарсозлик геоахборотлари билан таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари объектларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишни таъминлаш учун муҳандислик қидирувлари бажарилиши мониторингини юритиш;

илгари турли ташкилотлар томонидан бажарилган муҳандислик-техник қидирувлар материалларини келгусида улардан самарали фойдаланиш учун жамлаш, турқумлаш ва архивга жойлаш;

Ўзбекистон Республикасининг муҳандислик-техник қидирувлар электрон геофондини ташкил этиш ва юритиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмалари бўйича, шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бинолар ва иншоотлардан фойдаланишнинг ишончлилиги бўйича муҳандислик-техник қидирувлар, тадқиқотлар ўтказиш.

3. Қуйидагилар:

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси бошқарув ходимларининг чекланган уму-

мий сони 102 нафар, шу жумладан марказий аппаратида — 72 нафар ва идоравий мансуб корхоналарида — 30 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар, Нукус ва Фарғона шўъба корхоналарининг тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасининг марказий аппарати ва шўъба корхоналарини, шунингдек унинг ҳудудий бўлинмаларини илгари эгаллаб турган биноларига жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси «Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамияти ва «Тошкенттадқиқот» Тошкент давлат муҳандислик-техник қидирувлар институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси муҳандислик-техник қидирувлар электрон геофондини ҳамда давлат шаҳарсозлик кадастрини ташкил этиш ва юритиш бўйича бажариладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳисоб-китобларига биноан, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда юридик ва жисмоний шахслардан «Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамияти акцияларини, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобига, бозор нархи бўйича сотиб олишни таъминласин.

7. Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасини ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 5-иловага* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия икки ой муддатда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тадбирларини амалга оширишни, шу жумладан:

«Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамияти ва «Тошкенттадқиқот» Тошкент давлат муҳандислик-техник қидирувлар институти асосий фондларини Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси балансига беришни;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонаси уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасини давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин.

* 5-илова берилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида муҳандислик-техник қидирувлар электрон геофондини юритиш тартиби тўғрисидаги ҳамда муҳандислик-техник қидирувларни бажариш сифати устидан техник назорат хизмати тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 февраль,
14-сон

+

-

**Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри
давлат институти давлат унитар корхонасининг ташкилий тузилмаси**



Изоҳ: Тошкент вилоятига марказий аппарат томонидан хизмат кўрсатилади.

Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 102 киши.

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти давлат унитар корхонасининг марказий аппарати тузилмаси




**Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат
институти давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўба корхонаси тузилмаси**



+

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат
институтини давлат унитар корхонасининг Нукус ва Фарғона шўъба корхоналари тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг умумий сони — 7 киши. (Ишлаб чиқариш
ходимлари сони буюртмалар портфели шаклланишига қараб белгиланади).

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарорига 1-илованинг 4-позициясидаги «Ўзбекистон давлат муҳандислик-техник қидирувлар бош институти» очик акциядорлик жамияти» сўзлари «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» давлат унитар корхонаси сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 30 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 31-бандидаги «Тошкенттадқиқот» муҳандислик-техник қидирувлар институти» сўзлари «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» давлат унитар корхонаси сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003й., 9-сон, 83-модда) 1-иловадаги 31 ва 77-позициялар чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмасидаги «ЎзГИИТИ ОАЖ» сўзлари «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» давлат унитар корхонаси сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING QAPORI

34 Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек экология хавфсизлиги масалалари бўйича комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари ставкаларини 1,3 баравар индексация қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ҳамда уларнинг миқдорлари 1—4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 35-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоровий норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 февраль,
15-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 6 февралдаги 15-сон қарорига
5-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-банднинг иккинчи хатбоши, шунингдек қарорга 1—4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 5-иловада:

* 1—4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

а) 2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар ҳисобланади.

Фақат давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар ҳисобланмайдилар. Бунда даромадларнинг бошқа манбалари бўйича ушбу корхоналар ва ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компенсация тўловлари тўлайдилар»;

б) 12-бандда:

«бунда **Ккр** қуйидаги боғлиқликда аниқланади» сўзлари «бунда **Мн** — ифлослантирувчи моддалар табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилиши массасининг амалдаги массаси бўйича қабул қилинади, **Ккр** қуйидаги боғлиқликда аниқланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

жадвал қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«

Т/ Р	Ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган нормативлар (лимитлар)дан ортиқ бўлган (қисқартирувчи) ҳажми (баравар)	Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишига тасдиқланган нормативлар (лимитлар) кўпайтирилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффициенти кўрсаткичлари (Ккр)
1.	1,05 дан 1,059 гача	2,2
2.	1,06 дан 1,1 гача	2,5
3.	1,11 дан 1,2 гача	3,4
4.	1,21 дан 1,3 гача	4,4
5.	1,31 дан 1,5 гача	6,0
6.	1,51 дан 2,0 гача	8,0
7.	2,1 ва ундан юқори	10,0

»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

35 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида

«Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 6-сон, 31-модда) 6-бандининг тўртинчи хатбошига «хато амалга оширилган электрон тўловлар натижасида электрон тўловларни амалга ошириш ва пул маблағларини қайтаришнинг белгиланган муддатлари бузилиши бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 февраль,
18-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMАСININГ ҚАРОРИ

36 Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларига тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахсларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль,
20-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига
ИЛОВА

Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларига педагог ходимларни (профессор-ўқитувчилар таркибини) танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Чуқур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилиятлар ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог кадрларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

II. Лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва танлов қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари

2. Педагог ходимлар (профессор-педагоглар таркиби) тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимини эгаллаб турган шахслар кирази.

3. Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта

ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) лавозими беш йил муддатга танлов бўйича эгалланади.

Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

4. Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент (фан номзоди) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди) олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномасига кўра ва бўйсунушига кўра тегишли вазирлик ёки идоранинг рухсати билан кафедра мудири лавозимини эгаллашга фақат фавқулодда ҳолларда танловда яна қатнашиши мумкин.

Фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, графика ва чизмачилик, маданият ва санъат йўналишлари кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда доцент илмий унвонига (фан номзоди илмий даражасига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йиллик методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

5. Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс бир муддатга қатнашиши мумкин.

6. Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, тегишли мутахассислик бўйича доцент, катта илмий ходим илмий унвонига ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

7. Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

8. Ўқитувчи (ассистент) лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

9. Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

10. Олий таълим муассасаларига ўқитувчи лавозимига соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан, белгиланган тартибда қабул қилинади.

11. Аспирантурани битирувчи тугатиш йилида, шунингдек олий таълим муассасасини битирган мутахассис тақсимот бўйича ўқитувчи лавозимига танловдан ташқари, 3 йил муддатга тайинланади.

III. Танловларни ўтказиш тартиби

12. Олий таълим муассасаси сайланиш муддати мазкур ўқув йилида тугайдиган кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ассистентлар лавозимларини эгаллаш учун, шунингдек бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

13. Танлов бўйича сайлов олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида ёки факультетларнинг илмий кенгашларида ўтказилади. Олий таълим муассасасининг илмий кенгашида ёки факультетнинг илмий кенгашида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи олий таълим муассасасининг ректорига тегишли бўлади.

Кафедра мудирлари ва профессорлар олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида танлов бўйича ўтадилар.

14. Танловлар вақтли матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан олий таълим муассасасининг кўп нусхали газетасида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.

15. Танловда қатнашишни хоҳловчилар олий таълим муассасаси ректори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

16. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун — очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл кўйилади. Кафедра мудир лавозимига номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлисни факультет декани (олий таълим муассасалари умумий кафедраларида — ректор ўтказди).

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, очик ёки яширин овоз берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан ўриндошлик тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қилади ва уни ўқитувчининг ҳисоботи билан бирга олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашига жўнатади.

Факультетнинг кафедра аъзоси ҳисобланмайдиган декани (проректор) кафедра мудири лавозимига номзодлар бўйича тавсияномалар қабул қилишда овоз беришда қатнашмайди. Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда қатнашмайди.

17. Ҳар қайси номзод бўйича илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб эшиттирилади.

18. Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетень бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

19. Овозларни ҳисоблаш учун илмий кенгаш овоз бериш бошланишидан олдин таркибида илмий кенгашнинг камида уч нафар аъзоси бўлган санок комиссиясини сайлайди. Санок комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Санок комиссияси протоколи илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

20. Танловни ўтказишда илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камида 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек муайян лавозим учун фақат битта номзоддан ариза тушганда танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

21. Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очиқ тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

22. Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

23. Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

IV. Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш

24. Ушбу олий таълим муассасасида ишламайдиган ва профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимга танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳ-

нат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар 5 йилда ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади, ходим эса танловда қатнашишга ҳақлидир.

Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишувига кўра белгиланади, бироқ ушбу муддат уч ойдан ошиши мумкин эмас.

25. Мазкур олий таълим муассасасида ишлайдиган ва танлов бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қўйидагилар ёзиб қўйилади:

а) улар илгари эгаллаб келган лавозим учун — меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимлар учун — танловдан ўтганлик тўғрисида илмий кенгаш протоколи қайд этилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ёзилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Давлат бошқаруви органи қарорига кўра профессор-ўқитувчилар таркиби аттестациядан ўтказилган тақдирда аттестация якунларига кўра иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари масалалари, шахснинг танлов бўйича эгалланган лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

26. Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли ўқув йили тугагандан кейин меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўхтатилади.

27. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудир лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масалани олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудир сайланган муддати ўтгунгача, ректор буйруғи билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудир лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудир лавозимига танлов бўйича мудир тайинланади.

28. Олий таълим муассасаси ректорига танлов ўтказилгунгача кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан биттасига ёки деканга бўш кафедра мудир лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга рухсат этилади.

Вакиллик органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиши натижасида унинг билан меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчи унинг сайлов бўйича ваколатлари тугагандан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача мазкур олий таълим муассасасининг илгари эгаллаб келган ёки унга тенг бўлган профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимга тайинланади.

29. Олий таълим муассасаси ректорига олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида кўриб чиқиш учун педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритиш ҳуқуқи берилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан олдин унинг ишлари ректор тасдиқлайдиган комиссия томонидан текширилиши керак.

Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва тарбиявий ишлар, шунингдек лекциялар ва семинар машғулоти ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар илмий кенгаш қарорига кўра кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб эътироф этилса, у ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда тўхтатилади.

Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли илмий кенгаш қарорига биноан тўхтатилиши мумкин.

30. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибидаги шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш масалаларига доир меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

+

37 Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

-

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 6- ва 25-моддаларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль,
21-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарорига
ИЛЮВА

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим муассасалари)ни давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасалари давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 мартдаги 109-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 24 июндаги 293-сон қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида ўтказилади.

3. Таълим муассасасини аккредитациялаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Аттестация таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

4. Давлат аккредитацияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда унинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилган таълим муассасалари биринчи аттестациядан ўтгунга қадар аккредитацияланган деб ҳисобланади.

6. Лицензияга эга бўлган, давлат аккредитациясидан ўтмаган нодавлат таълим муассасалари битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича имтиҳонлар топширгандан кейин берилади.

7. Таълим муассасалари аттестацияси Давлат тест маркази томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

II. Аттестация ўтказиш тартиби

8. Таълим муассасаси 5 йилда бир марта режа бўйича аттестациядан ўтказилади.

9. Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув

яқунларига кўра таълим олувчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади.

10. Аттестация жараёнида таълим турлари бўйича таълим муассасаларининг охирги уч йиллик фаолиятини комплекс таҳлил этиш асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

а) мактабгача таълим муассасаларида:

таълим-тарбия жараёнининг давлат талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги; тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия дастурларини ўзлаштириш даражаси; тарбиячи-педагог кадрлар салоҳияти;

болалар ривожини учун ўйинчоқлар, услубий қўлланма ва болалар адабиёти билан таъминланганлиги, спорт майдончалари ва зарур шароитларнинг яратилганлиги, овқатланиш ҳамда дам олиш хоналарининг белгиланган санитария-гигиеник ва эстетик талабларга мослиги, шунингдек, фойдаланиш ҳолати;

б) умумий ўрта таълим муассасаларида:

таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги;

ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;

ўқув-услубий ишларнинг олиб борилиши ва ўқувчиларнинг дарслик ҳамда услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси;

педагог кадрлар салоҳияти;

таълим жараёнига замонавий ўқитиш услублари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги;

моддий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилиш ҳолати;

маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилиш сифати;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларининг сифати;

рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланилиш сифати;

в) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида:

ўқув-тарбиявий жараённинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этилганлиги;

таълим муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг таълим-тарбия жараёнига жорий этилганлик ҳолати;

ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси (билими);

педагог, муҳандис-педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг сифат таркиби;

ўқув режасидаги фанлар бўйича зарур ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, луғат, маърузалар тўплами, услубий қўлланма, электрон дарслик)нинг мавжудлиги ва кутубхона фондининг улар билан тўлдирилганлиги;

кутубхонанинг ўқитиш тилига мос ҳолда ўқув, услубий, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бадий адабиётлар билан бойитилиши;

моддий-техник таъминоти, ўқув, лаборатория ва амалиёт хоналари ҳамда устаналарнинг жиҳозланиши, ахборот коммуникацион технологияларининг жорий этилганлиги, компьютерлаштириш даражаси, моддий-техник базасининг мавжуд таълим йўналишларига мослиги;

мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозлари, дастгоҳ, асбоб-ускуна ва техникаларнинг ўқув жараёнида ишлатилиши;

замонавий педагогик технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши;

иктидорли ўқувчилар, республика ва халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиблари салмоғи;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, таълим муассасалари-

да васийлик кенгашларининг ташкил этилганлиги ҳамда улар фаолиятининг самараси;

касбга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги, таълим муассасасига ўқувчилар қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш даражаси;

маънавий-маърифий ишларнинг режа асосида ташкил этилганлиги ва унинг самараси;

ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган ижтимоий-маиший шароитлар ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳолати;

г) олий таълим муассасаларида:

давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими);

профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти;

илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб олиб борилаётганлиги;

талабаларнинг дарслик (жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси;

моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштириш салмоғи, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва улардан фойдаланилиши ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлик даражаси;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси;

аспирантура ва докторантура орқали ҳамда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорлиги;

маънавий-маърифий фаолияти;

битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши;

халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

д) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларида:

давлат талабаларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

моддий-техник, ўқув-лаборатория таъминоти, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш ҳолати;

илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги;

ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши (жумладан, мультимедиа ва бошқа услубларнинг қўлланилиши);

таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти.

11. Таълим муассасалари аттестацияси холислик, тўла ошкоралик, даврийлик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

12. Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологияларини ишлаб чиқади ҳамда аттестация улар асосида ўтказилади.

13. Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация

жадвалини ҳамда аттестация текширувига оид ҳужжатларни аттестация бошланишидан 3 ой олдин Давлат тест марказидан оладилар.

14. Давлат тест марказида аттестация қилинувчи таълим муассасаси учун аттестация билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади. Унда: Давлат тест маркази директорининг комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи; таълим муассасасининг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари нусхалари; аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси; аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази директорининг буйруғи жамланади.

Ҳужжатлар йиғма жилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Давлат тест марказида сақланади.

III. Аттестация комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркиби

15. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш учун Давлат тест маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилади. Аттестация комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия)лари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, халқ таълими бўлими мутахассислари, фан ва таълим қасаба уюшмаси ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб этилади. Комиссияни туман (шаҳар) ҳокимининг масъул ўринбосари бошқаради.

Давлат тест маркази таълим муассасалари аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

16. Бевосита Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта мактаб таълим муассасалари учун Комиссиялар таркибига ушбу вазирлик ҳамда унинг вилоятлардаги бошқармалари мутахассислари, таълим муассасалари педагоглари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари жалб этилади. Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Давлат тест маркази ходими раҳбарлик қилади.

17. Олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун Комиссиялар таркибига таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, таълимни бошқарув бўйича ваколатли давлат органларининг масъул ходимлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб этилади ҳамда улар аттестация қилинаётган таълим муассасаларига алоқадор бўлмаслиги лозим.

Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Давлат тест маркази ходими раҳбарлик қилади.

18. Комиссия аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобидан қопланади. Бюджет ташкилотларида тасдиқланган харажатлар сметасида хизмат сафари учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

19. Комиссиялар таркиби ва иш муддати таълим муассасаларининг тури ҳамда таълим йўналишларига қараб белгиланади.

IV. Аттестация якунлари

20. Комиссия таълим муассасасидаги таълим дастурлари, йўналишлар ва мутахассисликларни аттестация қилиб, уларда кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрлайди.

21. Комиссия таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда таълим муассасаси фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Давлат тест маркази аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қилади.

22. Мактабгача таълим муассасалари аттестацияси бўйича экспертлар томонидан тарбияланувчилар учун ўтказилган назорат ишлари натижалари, давлат талабларини ўзлаштириш даражаси, таълим муассасаси Уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича таълим муассасаси тўғрисида қўйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 80 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси фаолияти мезонда белгиланган умумий баллнинг 80 фоизи ва ундан юқори балл тўплаганда «Аттестациядан ўтди»;

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 65 фоизи ва ундан юқори баҳоланганда «Аттестациядан шартли ўтди»;

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 60 фоизидан кам ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 65 фоизидан паст баҳоланганда «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

23. Мактабгача таълим муассасалари «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилганда, улар бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

24. Мактабгача таълим муассасалари «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда:

уларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун) масаласи қўйилади.

25. Умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси бўйича сўнгги уч йилда таълим муассасаси битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва экспертлар томонидан ўтказилган назорат ишлари натижалари, таълим муассасаси давлат таълим стандартлари ва Уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш даражаси асосида таълим муассасаси тўғрисида қўйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

битирувчиларнинг 75 фоизи ва ундан кўпи, назорат ишларида ўқувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 70 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда «Аттестациядан ўтди»;

битирувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи, назорат ишларида ўқувчиларнинг 50 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 55 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда «Аттестациядан шартли ўтди»;

битирувчиларнинг 50 фоизи ва ундан кам «қониқарли» баҳоланган бўлиб, назорат ишларида ўқувчиларнинг 50 фоизи ва ундан кўпи «қониқарсиз» баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаганда «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилганда, улар бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

26. Умумий ўрта таълим муассасаси «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилса:

таълим муассасаси раҳбарларини навбатдан ташқари аттестацияга жалб этиш;
таълим муассасаси битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини бошқа таълим муассасаси битирувчилари билан қўшиб ўтказиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);
лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун) масаласи қўйилади.

27. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги мавжуд таълим йўналишларининг 70 ва ундан кўп фоизи аттестациядан ўтган ҳолда таълим муассасаси «Аттестациядан ўтди», 30 дан 70 фоизгача — «Аттестациядан шартли ўтди», 30 ва ундан кам фоизида «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

28. «Аттестациядан ўтди» ва «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасасининг аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари бўйича кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш учун бир йил муддат берилади ва ушбу муддат тугагандан сўнг бу йўналишлар қайта аттестациядан ўтказилади.

29. Қайта аттестация натижаларига кўра «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган таълим йўналишлари тугатилади.

30. «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган таълим муассасалари бўйича таълимни бошқарув давлат органларига таълим муассасаси раҳбарияти, аттестациядан ўтмаган йўналишларга масъул бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирларининг ўз лавозимларига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳамда аттестация жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

31. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасаси фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича таълимни бошқарув давлат органларига таклиф киритиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);
лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун).

32. Олий таълим муассасасида мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларнинг умумий сонига нисбатан 75 ва ундан кўп фоизи «Аттестациядан ўтди» деб хулоса қилинса, таълим муассасаси «Аттестациядан ўтди», 67 фоиздан 75 фоизгача — «Аттестациядан шартли ўтди», 67 ва ундан кам фоизида «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

33. «Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир йил вақт берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликлари қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда таълим муассасаси фаолиятида қайд этилган бошқа камчиликларнинг бартараф этилганлиги ўрганилади.

34. «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг проректорлари, аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликларга масъул деканлари навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади. Тегишли мутахассис чиқарувчи кафедралар мудирларининг ўз вазифаларини қониқарсиз бажараёт-

ганликларини қайд этиб, олий таълим муассасаси ректорига келгусида уларнинг кафедраларни бошқариши ёки бошқармаслиги масаласини олий таълим муассасаси Илмий кенгашига киритиш бўйича тавсия берилади.

Аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликлар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

35. Қайта аттестация натижаларига кўра «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилади.

36. Барча ҳолларда олий таълим муассасаларининг аттестациядан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчилари якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази вакиллари иштирокидаги давлат аттестация комиссияси ўтказди.

37. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган олий таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги ҳулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

таълим муассасасининг мақомини ўзгартириш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат олий таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш (нодавлат олий таълим муассасалари учун).

38. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассаса (МОМ)лари бўйича:

МОМ нинг давлат талаблари ва Уставида белгиланган вазифалари, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, илмий-педагог кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги, моддий-техник ва ўқув-лаборатория таъминоти, маънавий-маърифий ишлари, ишлаб чиқариш билан интеграция ва халқаро ҳамкорлик бўйича фаолияти Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган мезонда белгиланган максимал баллнинг 75 фоизидан кам бўлмаган балл билан баҳоланса, МОМ «Аттестациядан ўтди», максимал баллнинг 55—75 фоизи билан баҳоланса, «Аттестациядан шартли ўтди» ва максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл билан баҳоланса, «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

«Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган МОМ бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

«Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган МОМ тўғрисида қуйидаги ҳулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасасини қайта ташкил этиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат олий таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш (нодавлат олий таълим муассасалари учун).

39. Давлат тест маркази таълим муассасалари аттестацияси жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишини мунтазам назорат қилади.

40. «Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган таълим муассасасини аккредитациялаш учун зарур ҳужжатлар Давлат тест марказига тақдим этилади.

V. Давлат аккредитациясини ўтказиш тартиби

41. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Давлат тест маркази қошида доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссияси тузилади. Комиссия тарки-

би Давлат тест маркази буйруғи билан тасдиқланади. Давлат тест маркази директори Аккредитация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

42. Давлат аккредитацияси таълим муассасасининг аттестацияси хулосаларига кўра амалга оширилади. Аккредитация комиссияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезони ҳамда талабларига жавоб беришини эътироф этиш билан биргаликда унинг мақомини ҳам белгилайди.

43. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Аттестация комиссияси томонидан Аккредитация комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурлари;

таълим муассасаси аттестацияси хулосаси;

нодавлат таълим муассасасига берилган лицензия нусхаси.

44. Таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказиш ҳақидаги қарор ҳужжатлар топширилгандан кейин бир ой муддатда қабул қилинади.

Таълим муассасасини аккредитациялаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, таълим муассасасига 2 ҳафта давомида давлат аккредитацияси ҳақида ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги сертификат берилади.

Сертификатда таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тури, мақоми ва сертификатнинг амал қилиш муддати қайд этилади.

Сертификатга таълим муассасасининг таълим дастурлари, йўналиш ва мутахассисликлари рўйхати илова қилинади (2-илова).

Сертификат 5 йил муддатга берилади.

Сертификат бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Сертификат бланкалари намуналари Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилади ва унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Давлат тест маркази директори сертификат бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

45. Таълим муассасаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ўз кучини йўқотади.

46. Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасаси томонидан таълимга оид қонунлар бузилганлиги ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари Давлат таълим стандартлари талабларига мос келмаслиги ёки сертификатда белгиланган кўрсаткичлар доирасидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат бекор қилиниши мумкин.

47. Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари Давлат тест марказида рўйхатга олинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

48. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси натижаларидан норози бўлган таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг таъсисчилари белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Герби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Давлат аккредитацияси ҳақида

С Е Р Т И Ф И К А Т

200__ й. «___» _____

№ 0000

Ушбу ҳужжат аттестация натижаларига кўра

_____ (юридик манзили)

манзилида жойлашган

_____ НИНГ

_____ (таълим муассасасининг номи)

давлат аккредитацияси _____

_____ (таълим муассасасининг тури)

_____ (таълим муассасасининг мақоми)

мослигини тасдиқлайди ва битирувчиларга мазкур сертификат иловасига мувофиқ таълим йўналиш (мутахассислик)лари, дастурлари, босқичлари бўйича давлат намунасидаги таълим ҳақидаги ҳужжатларни бериш ҳуқуқини кафолатлайди (сертификат иловаси билан ҳақиқийдир).

Амал қилиш муддати _____ йил

М.Ў.

Давлат тест маркази директори _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Серия № 0000

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Давлат тест маркази

200__ йил ____ _____ да №____ - рақами билан қайд этилган

Давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатга илова

(таълим муассасасининг тўлиқ номи ва юридик манзили)

Таълим йўналиш (ихтисослик, мутахассислик)лари
Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Таълим йўналиш (ихтисослик, мутахассислик)-лари шифри ва номи	Таълим шакли (кундузги, сиртқи)	Кадрлар тайёрлаш даражаси
1	2	3	4

М.Ў.

Давлат тест маркази директори

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

38 Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарорини бажариш юзасидан ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг (кейинги ўринларда матнда Ўзбекистон МТРК деб юритилади) ҳудудий бўлинмалари ходимлари сонини мақбуллаштириш, бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон МТРК Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг ташкилий тузилмаси ва ходимлари сони 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон МТРК вилоятлар телерадиокомпанияларининг намунавий ташкилий тузилмаси ва ходимлари сони 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон МТРКнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш телерадио кўрсатувлар ва эшиттиришларнинг тасдиқланган ўртача суткалик ҳажмига мувофиқ Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон МТРКнинг ҳудудий бўлинмалари меҳнатга ҳақ тўлаш фонди аниқ телерадио маҳсулотлар тайёрлаш учун ижодий ходимларни муддатли шартномалар бўйича жалб этишга йўналтириладиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3. Ўзбекистон МТРК ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалар ҳузурида Ўзбекистон МТРКнинг давлат унитар корхоналари ҳузурида ташкил этиладиган жамғармалар сингари ижодий жамоани, студиялар ва алоҳида ходимларни рағбатлантириш ва тақдирлаш жамғармалари ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 февраль,
23-сон



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 февралдаги 23-сон қарорига
1-ИЛОВА


Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг ташкилий тузилмаси ва ходимлари сони



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 208 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 8 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 февралдаги 23-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси вилоятлар
телерадиокомпанияларининг намунавий ташкилий тузилмаси
ва ходимлари сони**



Т/р	Ўзбекистон МТРК ҳудудий бўлинмалари	Ходимлар сони, киши	
		Ҳаммаси	шу жумладан бошқарув ходимлари
1.	Андижон вилояти телерадиокомпанияси	68	4
2.	Бухоро вилояти телерадиокомпанияси	68	4
3.	Жиззах вилояти телерадиокомпанияси	59	4
4.	Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси	66	4
5.	Наманган вилояти телерадиокомпанияси	88	5
6.	Навоий вилояти телерадиокомпанияси	59	3
7.	Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси	69	4
8.	Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси	78	7
9.	Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси	50	4
10.	Хоразм вилояти телерадиокомпанияси	92	6
11.	Фарғона вилояти телерадиокомпанияси	83	4
	Жами	780	49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

39 Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифатини янада ошириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ республика таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага мувофиқ;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом ва уларнинг малакасини ошириш ҳақидаги сертификатнинг давлат намуналари 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги норматив ҳужжатлар ва ўқув-методик ҳужжатларни тасдиқланган Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқлаштирсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда таълимнинг ушбу турига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг намунавий ташкилий тузилмасини ва намунавий штатларини, шунингдек маблағларни режалаштириш ва сарфлаш тартибини қайта кўриб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ўқув-методик жараёни сифати ва улар педагоглари касб малакаси даражасининг мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат талабларига мувофиқлигининг тезкор диагностикасини амалга оширсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда 2006—2009 йилларда таълимнинг мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар турлари учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 февраль,
25-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига
1-ИЛОВА

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари

1. Умумий қоидалар

Мазкур Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини, улар фаолиятини аттестациядан ўтказиш тартиб-қоидаларини тартибга соладиган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча турдаги таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан, янги педагогик технологияларни ва ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ривожлантиришдан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва анъаналаридан келиб чиқиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давомида тузатишлар киритилиши ва тўлдирилиши мумкин.

2. Қўлланиш соҳаси

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари узлуксиз таълимнинг барча турлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги муассасаларнинг таълим фаолиятини ташкилий ва илмий-методик таъминлаш учун қўлланилади ва қуйидагиларни:

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими таркибини;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг асосий турлари ва шакллари;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган асосий талабларни;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курслари учун ўқув юкларини ҳажмини;

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим педагог кадрлари тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини, шунингдек уларга қўйиладиган умумий малака талабларини;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиб-қоидалари ва механизмларини;

қайта тайёрланган ва малакасини оширган педагог ходимлар учун таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намуналарини белгилайди.

3. Норматив ҳаволалар

О'з DST 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Асосий қоидалар.

РСТУз 1.8-94. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

РСТУз 1.9-95. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

О'з DST 1999. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар.

О'з DST 983:2000. Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар.

О'з DST 1006:2001. Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар.

4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг намунавий тузилмаси Давлат талаблари билан таълимнинг тегишли турида кадрлар тайёрлаш сифати мониторинги натижаси ўртасидаги аксинча алоқа белгиланган ҳолда олдинда юрадиган принцип асосида қурилади.

Вазирликлар ва идоралар (мансублиги бўйича):

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқадилар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига умумий раҳбарлик қиладилар, унинг тизимини такомиллаштириш механизмлари ва методларини белгилайдилар;

базасида педагог кадрлар қайта тайёрланадиган ва уларнинг малакасини ошириладиган таълим муассасалари рўйхатини белгилайдилар, улар фаолиятини мувофиқлаштирадилар, шунингдек ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлайдилар;

қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагогларнинг прогноз контингентини белгилайдилар;

идоровий мансуб таълим муассасаларида педагог кадрларга қўйиладиган малака таъминланишига доир мақсадли вазифаларни тасдиқлайдилар;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрадилар.

Давлат тест маркази кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати мониторинг

гини олиб боради, шунингдек аттестация ўтказиш йўли билан ушбу муассасаларнинг педагог кадрлари малака даражасини баҳолайди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг базавий таълим муассасалари, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг илмий-тадқиқот ва методик марказлари:

фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлайдилар, илғор педагогик технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига ўз вақтида жорий этилиши механизмини амалга оширадилар;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқадилар, шунингдек таълимнинг ушбу тури муассасаларини ўқув-методик ҳужжатлар билан таъминлайдилар;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, танқидий ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив методларидан, шунингдек замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режалари ва дастурларни ишлаб чиқадилар;

ушбу соҳадаги хорижий тажрибани, шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини умумлаштирадилар ва тарғиб қиладилар;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида масофадан туриб ўқитишни ишлаб чиқадилар ва жорий этадилар;

тарқатма материал ишлаб чиқилиши ва кўпайтирилишини ташкил этадилар.

Таълимни бошқариш ҳудудий органлари қайта тайёрлаш ва малака оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориладиган ўқитувчилар контингентини шакллантирадилар. Таълимнинг тегишли тури таълим муассасалари буюртманомалари ва таклифлари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш турлари ва шакллари, шунингдек ўқув режалари ва таълим дастурларининг мазмуни бўйича тавсиялар тайёрлайдилар.

Узлуксиз таълимнинг тегишли турдаги таълим муассасалари буюртмачи сифатида иш кўрадилар, ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назоратини ва таҳлилни амалга оширадилар, рейтинг тизими бўйича ҳар бир педагог касб фаолиятининг мониторингини олиб борадилар ва баҳолайдилар. Қайта тайёрлаш ёки малака оширишга эҳтиёж сезадиган ўқитувчилар контингентини белгилайдилар. Педагог кадрларнинг касб малакаси даражасини ўрганиш асосида уларни табақалаштирадилар, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли турлари ва шакллари белгилайдилар, педагогларни мақсадли қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ташкил этишнинг яқка тартибдаги топшириқларини ёки аниқ йўналтирилган дастурларини тузадилар.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари (факультетлар, марказлар, курслар):

буюртмачининг яқка тартибдаги топшириқлари ёки аниқ йўналтирилган дастурлар асосида вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда табақалаштирилган ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқадилар;

раҳбар ходимлар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилиши ва унинг зарур даражада бўлиши учун жавоб берадилар;

ўқитишнинг интерактив методларини, Интернетнинг глобал тармоғидан фойдаланган ҳолда педагогларнинг танқидий ва ижодий тафаккурини рағбатлантириш-

га, мустақил маълумот олишига йўналтирилган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этадилар.

5. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турлари ва шакллари. Таснифлаш ва таърифлар

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш — ўқитиш сифатига қўйиладиган талабларни оширишни ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича янги касб билимларини, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:
педагогик қайта тайёрлаш;
касбий қайта тайёрлаш.

Педагогик қайта тайёрлаш — мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш;

Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) — таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Педагог кадрларни касбий қайта тайёрлаш, қондага кўра, кадрлар тайёрлаш ўқув режаларига янги ўқув фанлари ёки курслар жорий этилиши, кадрларнинг буюртмачилари ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим педагогларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган, масофадан туриб ўқитиш методлари қўлланилган ва ўз билимларини мустақил оширган ҳолда базавий ва ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида амалга оширилиши керак.

Таълим дастурларининг мазмуни ва ўқитишнинг қанча давом этиши Давлат талабларида белгиланган тартибда белгиланади. Қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтган педагогик кадрларга белгиланган намунадаги диплом берилади.

Қайта тайёрлашга иккинчи олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш сифатида қаралмайди.

Педагог кадрлар малакасини ошириш — таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари (Давлат талаблари) асосида касбий ва педагогик маҳорат доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёни юқори илмий-методик даражада олиб борилишини таъминлайдиган ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш.

Малака ошириш шакллари:

тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш):

малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (академия, институт, марказ, факультет, курсларда) ўқитиш;

базавий таълим муассасасида ўқитиш;
«Устоз-шогирд» методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш;
ишлаб чиқаришда тажриба орттириш;
илмий-тадқиқот муассасасида тажриба орттириш;
хорижда тажриба орттириш;
мустақил ўқиб билим орттириш;

билвосита малака орттириш (таълим дастурларисиз ўқитиш):

илмий (илмий-педагогик) кенгашнинг қарори бўйича ижодий таътил;
очиқ ўқув машғулоти;

илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашиш.

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасаси (академия, институт, марказ, факультет, курслар)да ўқитиш — таълим муассасаларининг яқка тартибдаги топшириқлари ёки аниқ йўналтирилган дастурлари ва меҳнат бозорининг таклифлари асосида, таълимнинг тегишли тури ўқув-тарбия жараёнининг мониторинги натижаларини ва кадрлар тайёрлаш сифатини ҳисобга олиб Давлат талабларига, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш.

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш **2+2** ёки **3+1** схемалари бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш (тегишли равишда **50** ёки **75%** — яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, **50** ёки **25%** — бевосита таълим муассасасида ўқитиш). Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича махсус виртуаль курслар мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади.

Базавий таълим муассасасида ўқитиш — Давлат талабларига, тегишли ихтисосликнинг педагог кадрларига қўйиладиган малака талабларига ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ тингловчиларнинг касбий билимлари малака ва кўникмаларини чуқурлаштириш мақсадида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун базавий деб белгиланган олий ва ўрта махсус, касб таълим муассасаларида фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш.

Базавий таълим муассасаларида ўқитиш умумкасбий ва махсус фанлар бўйича педагоглар малакасини оширишнинг самарали шакли ҳисобланади, чунки улар тегишли ихтисослик кадрларини тайёрлашга ихтисослашгандир (зарур моддий-техник база билан жиҳозланган, етарлича илмий-методик ва интеллектуал салоҳиятга эга).

«Устоз-шогирд» методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш (инновация методи) — танлов асосида танлаб олинган, мамлакатда (минтақада), илмий ва педагогик жамоатчилик ўртасида ўзининг юқори натижалари, касбий фаолиятининг юқори кўрсаткичлари, рақобатбардошли кадрлар тайёрлаш бўйича ўз мактаби билан машғул бўлган юқори малакали педагог-устозлар раҳбарлигида тегишли типдаги таълим муассасаларида фанлар бўйича педагог ходимларнинг малакасини мақсадли ошириш.

Малака оширишнинг ушбу шакли ўқув фанлари бўйича энг яхши педагог кадрлар тўғрисидаги тезкор маълумотлар банки таълимнинг ҳар бир турида шакллантирилишини тақозо этади. Унинг асосида тегишли таълим муассасаларида (ёки унинг бўлинмаларида) малакасини оширишга эҳтиёж сезадиган педагоглар учун потенциал педагог-устозлар танлаб олиши мумкин. Ўқитишга яқка тартибда ёндошиш, шунингдек таълим жараёнининг мослашувчанлиги ва амалий йўналтирилганлиги педа-

гоглар малакасини ошириш ушбу шаклининг асосий афзаллиги ҳисобланади. Малака ошириш дастурининг мазмунини ва ўқитиш методологиясини педагог-устоз Давлат талаблари, мониторинг натижалари ва таълим муассасасида педагогнинг касб фаолиятини ички аттестациядан ўтказиш ҳамда педагогнинг васийлигидаги шахсни ўзининг хоҳиши асосида белгилайди. «Устоз-шогирд» методи ёш педагог кадрларни малакасини оширишнинг самарали шакли ҳисобланади.

Тажриба орттириш (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш) — педагог кадрларни иктисодиёт, фан, маданият, соғлиқни сақлашнинг тегишли тармоқларида фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар билан таништириш, фанлар бўйича ўқув дастурлари мазмунининг узлуксиз такомиллаштирилишини таъминлаш, фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш мақсадида аниқ фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш.

Ишлаб чиқаришда тажриба орттириш педагогларнинг амалий билимлари, кўникма ва малакаларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради ҳамда ҳар хил ихтисосликдаги касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини оширишнинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот муассасасида (Фанлар академиясининг илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, марказлари, лабораториялар ва ҳоказоларда) *тажриба орттириш* педагогларни фаннинг замонавий ютуқлари, тегишли мутахассисликлар бўйича уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, илмий экспериментларни олдинга кўйишнинг самарали методлари билан таништириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадини кўзлайди. У таълимнинг барча даражалари педагог ходимлари учун фойдалидир.

Педагог кадрларнинг *хорижда тажриба орттириши* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш учун ажратилган грантларга мувофиқ, шунингдек таълимни бошқариш органлари билан таълим муассасаларининг ўзлари ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Мустақил ўқиб билим орттириш — таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ўқитиладиган фан бўйича янги билимлар, малака ва кўникмаларнинг педагог кадрлар томонидан мустақил ўзлаштирилишидир. Ўқитишнинг мазмуни, қанча давом этиши ва даврийлиги шахсан педагогнинг ўзи томонидан белгиланади.

Мустақил ўқиб билим орттириш шаклида малака оширишни барқарор юқори профессионал рейтингга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаб олган, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндошишга қодир бўлган педагоглар учун тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил ўқиб билим орттириш ривожланган демократик давлатлар ўқув юртларида педагог кадрлар малакасини оширишнинг энг кўп тарқалган шакли ҳисобланади. Малака оширишнинг ушбу шакли таълим хизматларининг рақобатли бозори, педагог ходимларнинг ижодий меҳнатини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизми мавжуд бўлган жойларда устунлик қилади ва ривожланади.

Ижодий таътил — янги ўқув адабиётлари (дарслик ёки ўқув қўлланма) яратиш замонавий педагогик ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш, педагогларнинг касбий фаолияти, йўналиши билан боғлиқ бўлган йирик илмий ишни (монография, диссертация ва ҳоказоларни) тугаллаш учун

таълим муассасасининг илмий (педагогик) кенгаши қарори билан педагог кадрларга бериладиган таътил.

Очиқ ўқув машғулоти — замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг интерактив методлари қўлланилган ҳолда академик гуруҳларда жадвал бўйича ўтказиладиган олдиндан эълон қилинган муаммо ёки инновация мавзуси бўйича машғулотдир. Очиқ ўқув машғулоти билан билимларнинг ушбу соҳадаги тажрибали педагоглар, олимлар ва мутахассислар мажбурий тартибда таклиф этилади. Ушбу машғулотларнинг сифати таълим муассасасининг кафедрасида ёки илмий-методик (педагогик) кенгашида муҳокама қилинади.

Очиқ ўқув машғулоти замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг интерактив методларини пухта ишлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони, ёш педагоглар учун педагогик маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Олий таълим муассасаларида очиқ маърузалар ўтказиш доцент ва профессор илмий унвонларига талабгорлик қилувчи педагог кадрлар учун мажбурий ҳисобланади.

Илмий ва илмий-методик семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда қатнашиш — педагог кадрларнинг педагогика фани ва амалиётининг, ўқитиш методологияси ва технологиясининг таълим муассасаларида муҳим муаммоларни ҳал этишга ва ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган долзарб мавзулари бўйича илмий ёки илмий-методик маърузалар (ахборотлар) билан чиқишидир. Олдиндан маълум бўлган мавзу бўйича маъруза (ахборот) тайёрлаш жойларда тегишли тадқиқотлар олиб борилишини ва белгиланган тартибда эълон қилиш учун маърузалар тезислари тайёрланишини назарда тутати.

Педагог кадрларнинг йирик илмий ёки илмий-методик семинарлар, конференцияларда қатнашиши уларга ахборот ва иш тажрибаси билан алмашиш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва илғор таълим технологиялари билан танишиш имкониятини беради, уларнинг касб малакаси даражасининг ўсишига қўмаклашади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг юқорида баён қилинган асосий турлари ва шакллари узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун умумий ҳисобланади. Шу билан бирга, таълимнинг ҳар бир тури алоҳида ҳолда уларга кадрлар тайёрлашнинг хусусияти билан боғлиқ равишда педагог кадрлар малакасини оширишнинг бошқа шакллари ҳам эга бўлиши мумкин.

Педагог кадрлар учун малака оширишнинг тегишли шаклини танлаш ўқув-тарбия жараёни сифати мониторинги (диагностикаси) натижалари ҳамда ўқув йили мобайнидаги ҳар бир педагогнинг касбий малака даражаси, Давлат талабларига мувофиқ ва педагогнинг ўз хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрларни ички аттестациядан ўтказиш асосида амалга оширилиши керак.

Малака оширишни ўтказишнинг вақтинчалик параметрлари малака оширишнинг белгиланган шакллари, малака оширишнинг тўғридан-тўғри турларига эҳтиёж сезган педагогларнинг умумий контингентига ва жойларда ўқув-тарбия жараёни сифати энг юқори даражада таъминланган тақдирда, малака ошириш бўйича таълим муассасалари имкониятларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Малака оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари билан муваффақиятли ўтган педагог кадрларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

6. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар

Таълим муассасаларининг таълимнинг тегишли турларига бўлган эҳтиёжи қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши, даражаси, ҳажми ва мазмунини шакллантиради, малака талабларини олға суради, таълимнинг ўхшаш технология ва шакллари танлашни тақозо қилади.

Қайта тайёрлаш мазмуни янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга, малака ошириш эса — педагог кадрларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларининг педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар тегишли таълим дастурлари билан белгиланади.

Қуйидагилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган базавий талаблар ҳисобланади:

касблар ва лавозимларга бўлган касбий малака талабларига мувофиқлик;

Давлат мактабгача тарбия талабларига, Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим Давлат таълим стандартларига нисбатан изчиллик;

замонавий педагогик технологияларга ўқитиш воситаларига йўналтирилганлик;

дастурлар мазмунининг қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг белгиланган турлари ва шаклларига мувофиқлиги.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари тегишли базавий мақсадлар ва малакавий ишлар мазмуни билан тугалланади.

7. Ўқув юкларининг ҳажми

7.1. Қайта тайёрлаш

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш улар асосида таълимнинг тегишли турини бошқариш давлат ваколатли органи томонидан намунавий ўқув дастурлари тасдиқланадиган мақсадли таълим дастурлари бўйича амалга оширилади. Ўқув юкларининг режалаштиришда педагог кадрларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

Қайта тайёрлашнинг қанча давом этиши илгари олинган олий таълим даражасига, қайта тайёрлашнинг тури ва кўп меҳнат талаб қилишига, ўқитиш шаклларига боғлиқ бўлади ва асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитилганда камида 16 ҳафта (576 соат) бўлиши керак.

Ўқув юкларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади. Асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 24 соат ҳажмида белгиланиши керак.

Ўқув юкларининг умумий ҳажми предметлар блоклари бўйича, кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган қайта тайёрлашга талаблардан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

7.2. Малака ошириш

Педагог кадрлар малакасини оширишнинг даврийлиги ва қанча давом этиши уни ташкил этиш шаклларига ҳамда педагогнинг малакаси (рейтинги) даражасини ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган талабларга боғлиқ бўлади.

Педагог кадрлар малакаси ошириш тўғридан-тўғри шакллари умуий давом этиш муддати асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда камида 4 ҳафта (144 соат) этиб белгиланади.

Малака оширишнинг билвосита шакллари даврийлиги ва қанча давом этиши таълим муассасаси томонидан таълимнинг тегишли турини бошқаришга давлат ваколатли органи билан келишган ҳолда, лекин ҳар уч йилда камида бир марта белгиланади.

Малака оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари учун аудитория машғулоти унинг ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

8. Педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар. Умумий малака талаблари

8.1. Умумий талаблар

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Қуйидагилар мутахассиснинг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талаблар ҳисобланади:

ўқитиш (дарс бериш) маҳорати;

тарбиялаш маҳорати;

ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар;

таълим олаётганларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Ўқитиш (дарс бериш) маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади:

касбий лаёқат ва эрудиция;

психологик-педагогик тайёргарлик;

таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;

ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;

янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, Интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;

педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари билиш;

илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;

педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;

предметлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;

риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, узлуксиз таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

Тарбиялаш маҳорати ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, унинг уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак маъданий ва маънавий савияни қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига, унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳис этишига, кенг гуманитар ва гуманистик тайёрлигига, шунингдек ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади.

Педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган **шахсий сифатларига** қуйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмуомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун

аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиш (дарс бериш) ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан ўқитиш (дарс бериш) ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакллари самарали қўлланиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Умумий талаблардан ташқари, педагог кадрларга таълим турига кўра алоҳида талаблар қўйилади.

8.2. Мактабгача таълим педагог кадрларига қўйиладиган талаблар

Мактабгача таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси 1-иловада келтирилган.

Педагог ўрта махсус, касб-хунар ёки олий педагогик маълумотга эга бўлиши ва қўйидагиларни қўллана олиши керак:

Мактабгача таълим давлат талабларини қўлланиш ва Бошланғич (1—4-синфлар) таълим давлат таълим стандарти тўғрисида тушунчага эга бўлиш;

мактабгача таълим бўйича норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатлар;

мактабгача таълим шакл ва методлари;

тарбиявий ишлар методологияси ва болаларда миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантириш;

мактабгача ёшдаги болалар психологияси;

ўқитишнинг интерактив (ўйинлар ташкил этиш) методлари;

болаларни интеллектуал ривожлантириш ва уларни мактабга тайёрлаш бўйича базавий дастурлар;

илмий-методик ишлар ва мустақил таълим асослари;

болалар ва ота-оналар билан муомала қилишда этика ва эстетика нормалари;

белгиланган санитария-гигиена нормалари.

8.3. Умумий ўрта таълим педагог кадрларига қўйиладиган талаблар

Умумий ўрта таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси 1-иловада келтирилган.

Ўқитувчи олий педагогик маълумотга эга бўлиши қўйидагиларни билиши ва улардан фойдалана олиши керак:

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти (умумий қондалар) шунингдек ўқитилаётган предмет бўйича ўқув дастури талаблари;

умумий ўрта таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатлар;

синфлар ва кабинетлар (лабораториялар)ни тегишли ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича талаблар;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва сифатини таъминлаш принциплари;

ўқув предметларининг мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари;

ўқувчиларнинг умумий ва ёш психологияси;

ўқитишнинг интерактив методлари;

ўқувчиларни миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш методологияси;

ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш шакл ва методлари;

ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан муомалада этика ва эстетика нормалари;

синфдан ташқари (дарсдан ташқари) ишларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси;

белгиланган санитария-гигиена нормалари.

8.4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрларига қўйиладиган талаблар

Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси 2-иловада келтирилган.

Ўқитувчи олий маълумотга эга бўлиши, қуйидагиларни билиши ва улардан фойдалана олиши керак:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандарти (умумий қоидалар), Кадрлар тайёрлаш таълими (ихтисоси)нинг тегишли йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, шунингдек ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатлар;

умумий касб-хунар ва махсус фанларни ўқитиш хусусияти ва методикаси;

чуқур ўрганиладиган фанларни ўқитиш хусусияти ва методикаси;

ўқув фанларининг мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик принциплари;

ўқувчиларнинг умумий ва ёш психологияси;

ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (лекциялар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотларни) ўтказиш методикаси;

ўқувчиларни миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш методологияси;

ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан муомалада этика ва эстетика нормалари;

ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш масалалари;

меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий ўқув режаларини ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш принциплари;

иктидорли ўқувчилар билан ишлаш методикаси;

касб-хунар таълимида менежмент ва маркетинг асослари;

белгиланган санитария-гигиена нормалари.

8.5. Олий таълим педагог кадрларига қўйиладиган талаблар

Олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси 3-иловада келтирилган.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси магистр даражасидан паст бўлмаган олий маълумотга (дипломли мутахассис) эга бўлиши, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориши, қуйидагиларни билиши ва ижодий қўлланиш кўникмаларига эга бўлиши керак:

Олий таълим давлат таълим стандарти (асосий қоидалар), Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, шунингдек ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури;

олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатлар;

бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари;

асосий ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш принциплари;

ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари;

ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари;

ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (лекциялар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотларни) ўтказиш методикаси;

талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари;

педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти;

таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти;

чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асослари;

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методлари;

талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш принциплари;

бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш;

кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ва фанлар дастурларини шакллантириш асослари;

талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик таъминлаш;

талабаларнинг билимлари, маҳоратлари ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш асослари;

кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш асослари;

иктидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари;

олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

Узлуксиз таълим тизими педагог кадрларининг алоҳида лавозим тоифаларга қўйиладиган малака талаблари тегишли таълим турини бошқариш органи томонидан белгиланади.

9. Таълим ҳақидаги ҳужжатлар

Қайта тайёрлаш ёки малака ошириш бўйича таълим дастурларини муваффақиятли бажарган педагог кадрларга тегишли равишда давлат намунасидаги қуйидаги ҳужжатлар бериледи:

малака ошириш ҳақидаги сертификат — камида 144 соат ҳажмидаги таълим дастурларини ўтаган шахслар учун;

қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом — камида 576 соат ҳажмидаги таълим дастурларини ўтаган шахслар учун.

Таълим ҳақидаги давлат намунасидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш натижалари тўғрисидаги маълумотлар (шу жумладан билвосита шакллар) ўз вақтида педагогнинг рейтинг дафтарчасида қайд этилади, унинг намуналари ва уни тўлдириш тартиби тегишли таълим турини бошқариш давлат ваколатли органи томонидан тасдиқланади.

10. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими норматив ҳужжатлари

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими норматив ҳужжатларига ҳозирги вақтдаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талаблари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги тегишли низомлар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режалари, ўқув фанларининг намунавий дастурлари, шунингдек белгиланган тартибда таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бошқа норматив ҳужжатлар қиради.

11. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш

11.1. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган **ички назорат**. Ички назорат тегишли таълим турини бошқариш давлат ваколатли органи томонидан тасдиқланган низомлар асосида ўтказилади;

фанлар бўйича аттестациядан ўтказишни ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талабларига мувофиқ малака ошириш тизими тингловчилари учун — малакани ҳимоя қилиш ишларини ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун — курсларни тугатиш ишларини ўз ичига оладиган **якуний назорат**.

таълимни бошқариш ваколатли органи ва кадрлар буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат.

11.2. Таълим муассасаларининг кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби

Таълим муассасаларининг кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва аккредитация қилиш тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади ҳамда Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.


+

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига 1-ИЛОВА

Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси




Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси



+

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига
З-ИЛОВА

Олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги
Диплом
(тавсифи)**

Қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

- босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;
- ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;
- нақшли растр;
- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;
- махсус қоғозлар;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти таҳимояга эга.

Ўзбекистон
Республикаси
герби

O'zbekiston Respublikasi

Qayta tayyorlash
haqida

DIPLOM
QT № 000000

_____ (Pedagogning familiyasi, ismi, otasining ismi)

200__ yil _____ dan 200_____ gacha
_____ da

_____ (Qayta tayyorlash ta'lim muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan

_____ (Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lim olib, _____
_____ mavzusida bitiruv ishini Davlat attestatsiya
komissiyasida _____ bahoga himoya qildi va unga
_____ huquqi berildi

Muhr o'rni

Rektor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги
Сертификат
(тавсифи)**

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, кизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

- босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;
- ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;
- нақшли растр;
- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;
- махсус қоғозлар;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти таҳимияга эга.

Ўзбекистон
Республикаси
герби

O'zbekiston Respublikasi

Malaka oshirish
haqida

SERTIFIKAT
MO № 000000

(Pedagogning familiyasi, ismi, otasining ismi)

200__ yil _____ dan 200_____ gacha
_____ da

(Malaka oshirish ta'lim muassasasining nomi)

jami _____ soatli

(Malaka oshirish kursining nomi)

bo'yicha malakasini oshirdi.

Muhr o'rni

Rektor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурида:

1) III бўлимнинг иккинчи кичик бўлимида:

бешинчи хатбошидаги «малакаси 3 йилда бир марта оширилади» сўзлари «малакасини ошириш даврийлиги ушбу муассасалар эҳтиёжига қараб белгиланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 6-бандининг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ТўРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

40 «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б. Мирбобоев, судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала адвокат А.Р. Лутфуллаевнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С. Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг раиси Б. Саломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси С. Одилхўжаева, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаш аъзоси М. Гасанов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов ва бошқаларнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни **аниқлади:**

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида «Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас», деб кўрсатилган. «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида ҳам аналогик норма назарда тутилган.

Ушбу нормаларда «бошқа жавобгарликка» сўзларининг қўлланилиши уларни мазмунан қандай тушуниш керак, деган саволга жавоб беришни талаб қилади ва шунинг учун ҳам уларга шарҳ бериш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли нормаларини ва иш бўйича бошқа материалларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидагиларга асосланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасининг биринчи қисмига

мувофиқ «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади», деб кўрсатилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида баён қилинган нормани белгилаётганда шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устунлигидан ҳам келиб чиққан деб ҳисоблайди. Жумладан, Жиноятларнинг олдини олиш бўйича БМТнинг саккизинчи конгресси томонидан 1990 йил август ойида қабул қилинган «Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидалар»да ҳуқуматлар эътироф этилган касбий вазифалари, стандартлари ва этика нормалари асосида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатлари учун адвокатларни жазолаш ёки жазо қўлланиши билан қўрқитиш ва айблаш, уларга нисбатан маъмурий, иқтисодий санкциялар қўлланиши мумкин эмаслигини таъминлашлари шартлиги назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ адвокат судда, трибуналда ёки бошқа юридик ёки маъмурий органларда ўз бурчини виждонан бажариши ва касбий вазифаларини амалга ошириши муносабати билан ишга тааллуқли ёзма ва оғзаки шаклда қилинган мурожаатлари бўйича таъқибдан жиноят ёки фуқаролик иммунитетига эга бўлиши лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда юридик жавобгарликни назарда тутган, деб ҳисоблайди. Юридик жавобгарликнинг жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари борлигини инobatга олиб, Конституциявий суд қонунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан адвокатни юридик жавобгарликнинг кўрсатиб ўтилган турларининг бирортасига ҳам тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд **қарор қилади:**

1. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмига ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмига қуйидаги шарҳ берилсин:

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмидаги «бошқа жавобгарликка» сўзларини мазмунан фуқаролик, маъмурий ва интизомий жавобгарликка деб тушуниш лозим;

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг

бешинчи қисмидаги норма адвокатни қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан кўрқитиш мумкин эмаслигини назарда тутди.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

Тошкент ш.,
2006 йил 7 февраль

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

41 Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
8 февралда 1107-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 18 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25 ва 2002-13-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 11 март, рўйхат рақами 1107 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон, 19-сон; 2003 й., 5-6-сонлар; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 7-сон, 89-модда, 2005 й. 10-11-сонлар, 81-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь,
5-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь,
2006-04-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**42 Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1475-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 18 февралдан кучга киради)

«Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 18-бандига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 523-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. 2005 йил 5 майдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақидаги Вақтинчалик низомга (2005 йил 21 май, рўйхат рақами 1475 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 21-сон, 155-модда) иловага* асосан ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 январь,
4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**43** Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1122-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 18 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 17 январь,
1/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

44 **Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1446-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 18 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3 ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 37-модда; 39-сон, 300-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 январь,
8-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 январь,
2006-01-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**45** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 1047-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 18 февралдан кучга киради)

«Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага 2-сон ўзгартиришни кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув **қарор қилади:**

1. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги 14/13-сонли қарори билан тасдиқланган 492-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома»га (2001 йил 9 июль, рўйхат рақами 1047) 2-сон ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 17 январь,
1/9 сон

Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 17 январь 1/9 сонли қарорига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. Йўриқноманинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклараро электрон тўлов тизими орқали ўтадиган ахборотларни муҳофазалашни таъминлаш тартибини белгилайди».

2. Йўриқноманинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тўлов тизимининг субъектлари банклараро электрон тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича шу жумладан, электрон тўлов

хужжатларидан рухсатсиз фойдаланиш, уларга ўзгартиришлар киритиш, уларни йўқотиш, йўқ қилиш ва тўсиб қўйишдан муҳофаза этишни таъминлаш бўйича ушбу йўриқномада белгиланган талабларга риоя этишлари керак».

3. Йўриқноманинг 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Банклараро электрон тўлов тизимида техника воситалари (кейинги ўринларда — ТВ) билан электрон хужжатларни тайёрлашда мазкур йўриқнома талабларига риоя этилиши шарт».

4. Йўриқноманинг бутун матни бўйича «ХТВ» қисқартмаси «ТВ» қисқартмасига алмаштирилсин.

5. Йўриқноманинг 3-банди қуйидаги тахрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банклараро тўлов тизими субъектлари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлашнинг қўшимча воситалари ва усуллари белгиланган мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

46 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тўғрисида йўриқномага ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

(2006 йил 8 февралдан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **қарор қиламиз:**

Ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 январдаги «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 7 ва 2003-03-сонли қарори (2003 йил 18 февраль, рўйхат рақами 1219 — Меъерий хужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 7 ва 2004-07-сонли қарори (2004 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1219-1 — Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 7-сон, 86-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 апрелдаги «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 36 ва 2005-28-сонли

Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2006 й.

қарори (2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1219-2 — Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 124-модда).

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь,
6-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь,
2006-03-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

47 Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 февралда 1523-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида»ги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 19 ноябрь, рўйхат рақами 1523) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 январь,
20-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг
2006 йил 26 январдаги 20-сонли буйруғига
ИЛЮВА

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда
танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«9. Туман ҳоқими ариза келиб тушган кунидан кунгача аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга юборади. Агар мазкур комиссияга юборилган ариза ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, комиссия ариза берган шахсга ариза келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асослантирилган ёзма хабар беради. Мазкур комиссия қотиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия қотиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунгача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга қўмаклашиши лозим».

2. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ушбу хўжаликнинг бошқа лойиҳалари бўйича» сўзлари «бошқа лойиҳалар бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 15-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг қотиби қабул қилади. Агар тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, ариза берган шахсга шу кунидан кунгача камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асослантирилган ёзма хабар берилади. Комиссиянинг қотиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия қотиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунгача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга қўмаклашиши лозим».

4. 19-банднинг охириги хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«сўнгги йилларда шартномавий мажбуриятларнинг қай даражада бажарилиши».

5. 20-банди бўйича:

а) «г» кичик банди еттинчи қисми қуйидаги тахрирдаги хатбошиси билан тўлдирилсин:

«4) танловда иштирок этиш учун талабгорга бевосита мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган, шу жумладан талабгор таъсис этган (иштирокчиси бўлган) юридик шахсларга тегишли бўлган техника воситаларини тақлиф этишга йўл қўйилмайди, талабгор сифатида танловда иштирок этаётган фермер хўжалиги бундан мустасно».

б) «д» кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Агар талабгор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжаликлари ходимлари ва оилавий пудратчилар бундан мустасно) бўлса, унда хўжаликнинг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш контрактация шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотномага асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади».

6. 28-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«28. Танловда иштирок этиш учун танлаб олинган қатнашувчи ўз аризасини

бир лойиҳадан олиб, ушбу лойиҳа бўйича танловда иштирок этмасдан, аввал тўплаган балларини сақлаб қолган ҳолда шу хўжаликдаги бошқа лойиҳадаги ер майдонига бериш ҳуқуқига эга. Бундай талабгор бошқа лойиҳага танлов ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги комиссия қарорини илова қилиши kifоя.

Бу ҳолда, талабгорнинг тўплаган бали у ариза берган бошқа лойиҳага танловда иштирок этиш учун танлаб олинган талабгорлар тўплаган баллдан кам бўлмаслиги лозим».

7. 34-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов ғолиби деб топилади ва танлов ўтказилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай эълон қилинади».

8. Низом 2-иловасининг 6-банди иккинчи устунни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Оилавий пудратчи ёки фермер хўжалиги бошлиғи, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжаликлари ходимлари ва оилавий пудратчилар бундан мустасно) учун сўнги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилиши».

9. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А. САЛИМОВ

+

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь

-

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**48 Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 февралда 1545-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.
3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими орқали ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низом (2004 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1010-1) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 17 январь,
1/3-сон

Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил
17 январдаги 1/3-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек тизим аҳамиятидаги тўлов тизимларини тузишнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

1) Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда — МБ ҲҚМ) — бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг Бош офисларига (кейинги ўринларда — банклар) вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлими — бу Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаментининг бўлими бўлиб, унинг вазифасига Марказий банк ягона балансида Марказий банкнинг банклараро ва филиаллараро тўловларини ўтишини таъминлаш киради;

3) Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда — АБМ) — амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ;

4) банкнинг вакиллик ҳисобварағи (кейинги ўринларда — вакиллик ҳисобварақ) — бу банкка МБ ҲҚМда очилган ва банклараро электрон тўловлар ўтказишга мўлжалланган ҳисобварақдир;

5) электрон тўлов ҳужжати (кейинги ўринларда — ЭТХ) — бу пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган форматда яратилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатдир. Унинг электрон рақамли имзоси ва тўғри расмийлаштирилиши текширилганда, ижобий натижа берса, у асл нусхасидек юридик кучга эгадир. Кўриниш шаклида тақдим этилганда, ЭТХ асл ҳужжат сингари «Электрон» белгиси билан расмийлаштирилади;

6) ташаббускор (инициатор) банк — бу ЭТХни шакллантириш ва бошқа банк адресига жўнатиш йўли билан электрон тўловни бошловчи банкдир;

7) бенефициар банк — бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатилган ЭТХни қабул қилувчи банкдир;

8) электрон тўловни бошлаш — ЭТХни шакллантириш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.

2. Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;

б) узатилаётган ЭТХларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;

в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

3. Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

а) ЭТХни бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;

б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;

в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;

г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;

д) банкларнинг МБ ҲҚМдаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда улар-

га тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;

е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;

ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончилиги;

з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан ЭТХ тасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг якунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида якунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) ЭТХ алмашувини қабул қилиш — назорат — узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги.

4. Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

5. АБМ ва МБ ҲҚМ банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

6. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари МБ ҲҚМда вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

7. ЭТХнинг ўтиш схемаси 1-иловада келтирилган.

8. Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса — АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

9. Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжалланган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши бўйича жавобгар банк мижози бўлади.

10. Маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқазиш ҳамда МБ ҲҚМга қайта ишлаш учун узатиладиган ЭТХнинг шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик ташаббускор банкка, МБ ҲҚМдан қабул қилинадиган ЭТХ учун жавобгарлик эса — бенефициар банкка юклатилади.

11. Банклараро тўлов тизими бўйича узатиладиган маълумотларнинг сақланиши, банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши учун, шунингдек, ЭТХнинг қабул қилинганлиги ва қайта ишланганлиги (ЭТХ рақамига, операция суммасига, операцияни амалга ошириш санаси ва тугатиш вақтига асосланишларни ҳисобга олган ҳолда) тўғрисидаги тасдиқномани, вакиллик ҳисобварағидан (оралиқдаги ва якуний) кўчирмани шакллантириш учун жавобгарлик АБМ ва МБ ҲҚМга юклатилади.

II. Банклар ва уларнинг филиалларини банклараро тўлов тизимига улаш тартиби

12. Банклараро тўлов тизимига уланишнинг учта варианты мавжуд:

1) банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини уланиши;

2) филиалга эга бўлмаган банкларни уланиши (бунда электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);

3) банк филиалини уланиши.

13. Банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига (кейинги ўринларда — МБ ТТАД) мурожаат қилади.

Хатга асосан МБ ТТАД банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини тайёрлайди.

14. Филиалга эга бўлмаган банкни ёки банк филиалини банклараро тўлов тизимига улаш учун, улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган, Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси (кейинги ўринларда — БДМАБ)да хос рақам (уникал код)га ҳамда банклараро тўлов тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.

15. Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиш тартиби қуйидагича:

1) Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатилган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТАДнинг ёзма хабарномасига мувофик, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТАДга бу ҳақда хабар беради;

3) Банк, хос рақам олгандан кейин, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзо калитини олиш учун, АБМга — МБ ҲҚМнинг серверига кириш рухсатини олиш мақсадида аутентификация маълумотларини аниқлаш учун мурожаат қилади;

4) АБМ ходимлари ёрдамида бир қанча ЭТХларининг қабул қилиш назорат қилиш узатиш технологик алмашувини ўтказиш йўли билан банк тайёрлигининг синов текшируви ўтказилади.

Синов қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) банкнинг маълумотлари синов мажмуасидаги тегишли маълумотнома (справочник)га киритилади;

б) дастлаб банк ходимлари билан ахборотлар алмашувини ўтказиш бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади;

в) синов мажмуасидаги банкнинг вакиллик ҳисобварағига банкнинг ишлаши учун устав фонди сифатида олдиндан келишилган сумма киритилади;

г) банк вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқни тасдиқлаш учун ахборотни ва ЭТХларини шакллантиради ҳамда АБМга синов тариқасида жўнатади, АБМ шакллантирилган маълумотларни тўғрилигини текширади;

д) АБМ банк учун вакиллик ҳисобварағини тасдиқлаш, иш тугаши ва ЭТХларнинг қайта ишланганлиги бўйича ахборотни шакллантиради, банк эса улар билан ишлай олишини тасдиқлаши керак;

е) Синов банк тайёрлигини текширишда ижобий натижалар олингунча давом эттирилади.

Синов тугаганидан кейин АБМ банк билан биргаликда банк ҳолатининг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузади;

5) Марказий банк Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини

тартибга солиш департаментининг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТАД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади.

16. Банк филиаллари МБ ҲҚМда ҳисобварақлар очмаслигини инобатга олиб, банклараро тўлов тизимига филиалларни улаш бўйича барча тайёргарлик ишларини (филиалнинг тайёргарлик синов текшируви, электрон рақамли имзо калитини яратиш) банклар ўзлари олиб борадилар.

Филиалга хос рақам захиралаш учун банк бевосита АБМнинг БДМАБ бўлимига мурожаат қилади.

Филиал учун электрон рақамли имзо калитларини банкнинг Рўйхатга олиш маркази яратади. Банкнинг Рўйхатга олиш маркази мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиал учун электрон рақамли имзо калитларини яратиш учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиши мумкин.

Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш илтимоси билан, банк МБ ТТАДга хат тақдим этади. Унда банк филиалининг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан МБ ТТАД банк филиали учун БДМАБда хос рақам беради, электрон маълумотномасига киритади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида барча банкларга расмий хабарнома беради.

Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

III. Банклараро тўлов тизими фаолият юртишининг бухгалтерия модели

17. МБ ҲҚМда вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) МБ ҲҚМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт кунни давомида амалга оширилади. ЭТХнинг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган ЭТХларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки ЭТХларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қайтарилади (файлни қайта ишлашда — файл бутунлича қайтарилади), ва бу ҳақда электрон квитанция берилади;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиги доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро электрон тўловлар ўтказишга ўзининг МБ ҲҚМдаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

18. Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТХларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида 2—7-иловаларда келтирилган ЭТХлар қўлланилади.

2) Ҳар бир ЭТХ, ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (операция тури (кейинги ўринларда — ОТ)) билан белгиланиши керак. Операциялар тури кодлари 8-иловада келтирилган;

3) Маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида банкнинг масъул ходими ЭТХ тайёрлашда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча реквизитларини тўғри киритиши керак;

4) Тўлов топшириқномасини (ОТ 01), тўлов талабномасини (ОТ 02), мемориал ордерни (ОТ 06) ва инкассо топшириқномасини (ОТ 11) киритишда қўйдаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

- ҳужжатнинг рақами;
- ҳужжатнинг санаси;
- тўловчининг номи;
- тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- тўловчи банкнинг коди;
- тўловчи банкнинг номи;
- ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);
- олувчининг номи;
- олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;
- олувчи банкнинг коди;
- олувчи банкнинг номи;
- ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);
- тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсади қўйдаги маълумотлардан иборат бўлади:

- а) тўлов нима учун ўтказилаяпти;
- б) шартнома, ҳисобварақ, товар-транспорт ҳужжатлари, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилишда ишни қабул қилиш далолатномаси ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, маҳсулот ким орқали жўнатирилганлиги тўғрисидаги ишончноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонунчиликка мувофиқ айрим тўловчиларга «тўлов мақсади» реквизитида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин.

5) Аккредитив учун ариза (ОТ 05)ни киритишда қўйдаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

- аккредитив номери;
- аккредитивни ёзиш санаси;
- тўловчининг номи;
- тўловчининг ҳисобварақ рақами;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- эмитент банкнинг номи;
- эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди,
- аккредитив суммаси рақам билан;
- етказиб берувчининг номи;
- етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами;

аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;
 аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)нинг коди;
 аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);
 аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

а) аккредитив тури;

б) товар (маҳсулот), хизматнинг номи;

в) аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи;

б) Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чекини (ОТ 14) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

чек берувчи банкнинг номи (чекнинг устки қисмида);

чек серияси ва рақами;

чекни бериш санаси;

чекнинг суммаси рақам билан;

чекнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

чек берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми;

чек берувчининг паспорт серияси ва рақами;

чек берувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

чек берувчи банк бўлимнинг коди;

чек берувчи банк бўлимнинг номи;

чек қабул қилувчи корхонанинг номи;

чек қабул қилувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

чек қабул қилувчи банк бўлимнинг рақами;

чек қабул қилувчи банк бўлимнинг номи;

чек қабул қилинган сана;

чекнинг амал қилиш муддати.

19. МБ ҲҚМ томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетига ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, МБ ҲҚМ амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак. Банк, МБ ҲҚМдан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

20. Ташаббускор банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у бенефициар банкка хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисида хабарнома жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

IV. Банклараро тўлов тизими орқали маълумотлар узатишнинг технологик жараёни

21. Соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда банклар вакиллик ҳисобварағининг олдинги кун ниҳоясидаги ҳолати тўғрисида маълумот узатадилар. Олинган маълумотлар АБМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари қолдиғи ва айланмаларининг банклардаги тегишли ҳисобварақлари билан мувофиқлиги назоратидан ўтади ва бу ҳақда банкка электрон квитанция узатилади. Бир хил бўлган ҳолда, банк ишлашга тушади, мос келмаса — банк улар сабабини аниқлайди ва бартараф этади.

Агар банк форс-мажор ҳолатлари бўйича бир ёки бир неча кун ишламаган бўлса,

у АБМ билан ишни бошлашдан олдин, ўтган қайта ишланмаган кунларда тўпланиб қолган барча ЭТХларни қабул қилиши ва қайта ишлаши, жорий куннинг бошига вакиллик ҳисобварағининг ҳолатини аниқлаши ва фақат шундан кейингина ишни бошлаши шарт.

22. Соат 9-00 дан 16-00 гача — банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ЭТХларни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

23. Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса — тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

24. Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташабулсқор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда «Куннинг яқунланиши» босқичи амалга оширилади. МБ ҲҚМда қуйидагилар «Куннинг яқунланиши» босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

а) банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;

б) МБ ҲҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда «Куннинг яқунланиши» босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

«Куннинг яқунланиши» босқичи чиқиш шакллари чикариш, маълумотларни архивациялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан бир-галикда боради.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

26. Айрим банкларда алоҳида ажратилган ёки коммутация қилинган каналларнинг бузилиши содир бўлганда, ЭТХлар белгиланган ахборотларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда МБ ҲҚМга хизмат кўрсатувчи АБМнинг бўлимига бевосита дискеталарда тақдим қилиниши мумкин.

27. Ушбу иш тартиби фавқулодда вазиятлар ҳолати содир бўлганда қўлланилмайди. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчиларининг иш тартиби Марказий банкнинг алоҳида меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

V. Банкларда ҳисоб-китобларни ташкил этиш

28. Банк филиаллари ўзининг мижозлари ўртасидаги барча тўловларни банк

хизматини кўрсатиш учун тузган шартномасига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

29. Банкнинг масъул ходими пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини олишда рўйхати 18-бандда келтирилган барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича визуал текшириш ўтказилади.

30. ЭТХларида банклар ва уларнинг филиаллари вакиллик ҳисобварақлари рақамини, шунингдек, МБ ҲКМ кодини қўйиш тақиқланади.

31. Банк филиалида дебет ҳужжатлари (тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари, эмиссия тўловлари)ни расмийлаштиришда қуйидаги тартиб мавжуд:

1) Эмиссия операцияларида мемориал ордер расмийлаштирилади:

ДЕБЕТ 20102, 20106;
КРЕДИТ 17301;

2) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича операциялар учун:

ДЕБЕТ 20206, 29896;
КРЕДИТ 19903;

3) Банклар банк қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

32. Киритилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда ЭТХ шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказига узатилади.

33. Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТХларига асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;
КРЕДИТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;
КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТХга асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;
КРЕДИТ 11005;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;
КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

34. Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 10301;
КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;
КРЕДИТ 10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида ЭТХ келиб тушганда:

+

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;
КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

-

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази;
КРЕДИТ 11005;

35. Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказидан келиб тушган ЭТХлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг мижозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Агар мижознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 — «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 — «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак.

VI. Банкларнинг МБ ҲҚМ билан ўзаро ҳамкорлиги

36. Банклардан ЭТХ келиб тушганидан кейин, МБ ҲҚМда уларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ташкил этилади.

37. Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТХлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақам-

ли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТХлари қайта ишлашдан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТХ БДМАБ базасида бенефициар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТХнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ўрнатилган тартибда БДМАБда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ЭТХ тегишли хато коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.

38. Ҳар бир ЭТХ батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

39. Текшириш мобайнида, ҳар бир ЭТХ қайта ишлангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағида қолиши кўзда тутилган қолдиқ суммаси ҳисобланади. Файл алмашувида дастлаб ҳисобвараққа ўтказиладиган, кейин эса, ҳисобдан ўчириладиган барча электрон тўловлар ҳисобга олинади.


40. ЭТХда биронта хато аниқланса, шунингдек, электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур ЭТХ қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

41. Агар текширув жараёнида хатолар аниқланмаса ва вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловларни ўтказиш имконини берса, ЭТХ МБ ҲҚМ амалиёт кунида кейинги қайта ишлашнинг барча боскичларидан ўтади.

42. Ҳар бир ЭТХ қайта ишлаш жараёнида МБ ҲҚМда тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиш схемаси



Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

0505411002

«ЭЛЕКТРОН» ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ № СНАСАСИ Тўловчининг номи ДЕБЕТ тўловчининг ҳ/в Тўловчининг СТИРи Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк коди СУММА Олувчининг номи КРЕДИТ олувчининг ҳ/в Олувчи банкнинг номи Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Тўлов мақсади Раҳбар (имзо) Бош бухгалтер (имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
БАНК	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> сана

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

0505411001

«ЭЛЕКТРОН» ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИ № САНАСИ Тўловчининг номи ДЕБЕТ тўловчининг ҳ/в Тўловчининг СТИРи Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк коди СУММА Олувчининг номи КРЕДИТ олувчининг ҳ/в Олувчи банкнинг номи Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Тўлов мақсади Раҳбар (имзо) Бош бухгалтер (имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
БАНК	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> сана

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

0505411008

«ЭЛЕКТРОН» МЕМОРИАЛ ОРДЕР № САНАСИ Тўловчининг номи ДЕБЕТ тўловчининг ҳ/в Тўловчининг СТИРи Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк коди СУММА Олувчининг номи КРЕДИТ олувчининг ҳ/в Олувчи банкнинг номи Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Тўлов мақсади Раҳбар (имзо) Бош бухгалтер (имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
БАНК	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> сана

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

0505411013

«ЭЛЕКТРОН» ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ № САНАСИ Тўловчининг номи ДЕБЕТ тўловчининг ҳ/в Тўловчининг СТИРи Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк коди СУММА Олувчининг номи КРЕДИТ олувчининг ҳ/в Олувчи банкнинг номи Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Тўлов мақсади Раҳбар (имзо) Бош бухгалтер (имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
БАНК	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> сана

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

0505411009

«ЭЛЕКТРОН» АККРЕДИТИВГА АРИЗА № САНАСИ Тўловчининг номи ДЕБЕТ тўловчининг х/в Тўловчининг СТИРи Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк коди СУММА Олувчининг номи КРЕДИТ аккредитив х/в Олувчи банк номи Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Амал қилиш муддати Шартнома № Буюртма № Буюртма санаси Товар, ишлар ёки хизматлар номи Хужжат тури Қўшимча шартлар Раҳбар

Ф.И.О.

(имзо)

Бош бухгалтер

Ф.И.О.

(имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган сана
БАНК	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> имзо	<input type="text"/> сана

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 7-ИЛОВА

0505411005

«ЭЛЕКТРОН» ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ

ЮЗ МИНГ СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
юм	юм	юм	юм	юм	юм	юм	юм	юм
ЎН МИНГ СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
ўм	ўм	ўм	ўм	ўм	ўм	ўм	ўм	ўм
МИНГ СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
мс	мс	мс	мс	мс	мс	мс	мс	мс
ЮЗ СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
юс	юс	юс	юс	юс	юс	юс	юс	юс
ЎН СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
ўс	ўс	ўс	ўс	ўс	ўс	ўс	ўс	ўс
БИР СЎМ								
9	8	7	6	5	4	3	2	1
бс	бс	бс	бс	бс	бс	бс	бс	бс

Акционер-тижорат	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Ҳисоб-китоб чеки серияси	<input style="width: 45%;" type="text"/> № <input style="width: 45%;" type="text"/>
Чекнинг берилган санаси	<input style="width: 95%;" type="text"/>
СУММА	<input style="width: 70%;" type="text"/> сўм (рақам билан)
	<input style="width: 70%;" type="text"/> (сумма сўз билан)
	<input style="width: 70%;" type="text"/> (Жисмоний шахснинг Ф.И.О.)
Паспорт серияси	<input style="width: 25%;" type="text"/> рақами <input style="width: 45%;" type="text"/>
Чек берувчининг х/в	<input style="width: 45%;" type="text"/> Банк коди <input style="width: 45%;" type="text"/>
Чек берган банкнинг номи	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Чек қабул қилувчи ташкилотнинг номи	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Чек қабул қилувчининг х/в	<input style="width: 45%;" type="text"/> Банк коди <input style="width: 45%;" type="text"/>
Чек қабул қилувчи банкнинг номи	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Чек қабул қилинган сана	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Чекнинг амал қилиш муддати	<input style="width: 95%;" type="text"/>
Бухгалтер	<input style="width: 60%;" type="text"/> Кассир <input style="width: 35%;" type="text"/>
	(имзо) (имзо)

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Т/р	Хужжатларнинг номи	Операциялар тури
1.	Тўлов топшириқномаси	01
2.	Тўлов талабномаси	02
3.	Аккредитив учун ариза	05
4.	Мемориал ордер	06
5.	Инкассо топшириқномаси	11
6.	Тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки	14

-

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 4 февралдан 17 февралгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 26 январдаги 5, 2006-04-сон қарори.*

2006 йил 8 февралда 1107-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 февралдан кучга киради).

2. «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 25 январдаги 4-сонли буйруғи.*

2006 йил 8 февралда 1475-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 февралдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/4-сон қарори.*

2006 йил 8 февралда 1122-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 февралдан кучга киради).

4. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 30 январдаги 8, 2006-01-сонли қарори.*

2006 йил 8 февралда 1446-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 февралдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/9-сон қарори.*

2006 йил 8 февралда 1047-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 февралдан кучга киради).

6. «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 27 январдаги 20-сон буйруғи.*

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

2006 йил 13 февралда 1523-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 февралдан кучга киради).

7. «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сонли қарори.*

2006 йил 14 февралда 1545-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 февралдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1, 2-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2003 йил 18 февраль, рўйхат рақами 1219; 2004 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1219-1; 2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1219-2).*

Адлия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 21-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2004 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1010-1).*

Адлия вазирининг 2006 йил 14 февралдаги 23-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини қидириш ва ишлаш маълумотларини таққослаш бўйича услубий кўрсатмалар. *Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 22 июндаги ДМ/04-03-04/724-сон хати.*

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

+

-

-

+